

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

ИНГЛИЗ ТИЛИ 2-ФАКУЛТЕТИ

ИНГЛИЗ ТИЛИ АМАЛИЙ ФАНЛАР КАФЕДРАСИ

**ТИЛ АСПЕКТЛАРИ АМАЛИЁТИ ФАНИДАН
БИРИНЧИ БОСҚИЧ ТАЛАБАЛАРИНИНГ МУСТАҚИЛ ИШЛАРИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ, УЛАРНИ БАЖАРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ
БЎЙИЧА**

УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

ТОШКЕНТ-2016

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

ИНГЛИЗ ТИЛИ 2-ФАКУЛТЕТИ

ИНГЛИЗ ТИЛИ АМАЛИЙ ФАНЛАР КАФЕДРАСИ

**ТИЛ АСПЕКТЛАРИ АМАЛИЁТИ ФАНИДАН
БИРИНЧИ БОСҚИЧ ТАЛАБАЛАРИНИНГ МУСТАҚИЛ ИШЛАРИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ, УЛАРНИ БАЖАРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ
БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ КЎРСАТМА**

**Инглиз тили 2-факултети
Илмий кенгашининг
2016 йил 28-августдаги 1-рақамли
мажлиси баённомаси билан тавсия этилган**

ТОШКЕНТ-2016

“Тил аспекти амалиёти” фанидан биринчи босқич талабаларининг мустақил ишларини ташкил этиш, уларни бажариш ва назорат қилиш бўйича услубий қўлланма.

Тузувчи: Р. Ходжиева

Мазкур услубий қўлланма “Хорижий тил ва адабиёт” (инглиз тили) ва “Филология ва тилларни ўқитиш” (инглиз филологияси) таълим йўналишларида таҳсил олаётган биринчи босқич талабалар учун “Тил аспекти амалиёти” фанидан мустақил ишларини ташкил этиш, топшириқлар ва уларни бажариш бўйича меъёрий ҳужжат сифатида амал қилади.

Услубий қўлланма Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Инглиз тили 2-факультети, Инглиз тили амалий фанлар кафедраси йиғилишида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2016 йил “27” августдаги 1-сонли баённома)

КИРИШ

Мазкур услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2005 йил 21 февралдаги 34-сон ва 2009 йил 14 августдаги 286-сон буйруқлари билан тасдиқланган «Талаба мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисидаги намунавий низом»и асосида яратилди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида чуқур назарий ва амалий билимларга эга бўлиб, ўз билими ва малакасини мустақил равишда ошириб борадиган, қўйилган масалага ижодий ёндошиб, учраган муаммоларни тўғри таҳлил қилиб ҳал қила оладиган мутахассисларни тайёрлаш асосий вазифалардан бири қилиб белгиланган.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, талаба мустақил равишда шуғулланса ва ўз устида тинимсиз ишласагина билимларни чуқур ўзлаштириши мумкин. Талабаларнинг асосий билим, кўникма ва малакалари мустақил таълим жараёнидагина шаклланади, мустақил фаолият кўрсатиш қобилияти ривожланади ва уларда ижодий ишлашга қизиқиш пайдо бўлади.

Шунинг учун талабаларнинг мустақил таълим олишларини режалаштириш, ташкил қилиш ва бунинг учун барча зарурий шарт-шароитларни яратиш, дарс машғулотларида талабаларни ўқитиш билан бир қаторда уларни кўпроқ ўқишга ўргатиш, билим олиш йўллари кўрсатиш, мустақил таълим олиш учун йўлланма бериш олий таълим муассасасининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Талаба мустақил иши (ТМИ) - муайян фандан ўқув дастурида белгиланган билим, кўникма ва малаканинг маълум бир қисмини талаба томонидан фан ўқитувчиси маслаҳати ва тавсиялари асосида аудитория ва аудиториядан ташқарида ўзлаштирилишига йўналтирилган тизимли фаолиятдир.

Хорижий тил ва адабиёт” (инглиз тили) ва “Филология ва тилларни ўқитиш” (инглиз филологияси) таълим йўналишларида таҳсил олаётган

биринчи босқич талабалар учун “Тил аспекти амалиёти” фани 2 та модулдан “Коммуникатив лексика модули” ва “Коммуникатив грамматика модули” ларидан ташкил топган.

“Тил аспекти амалиёти” фанидан мустақил иш тайёрлаш – ушбу фан ўқув дастурида белгиланган билим, кўникма ва малакаларининг бир қисмини фан ўқитувчиси маслаҳати ва тавсиялари асосида аудиториядан ташқарида талаба томонидан ўзлаштирилишидир. Тилни ўрганиш жараёнида талаба интерфаол усуллар воситасида мустақил таълим олишга рағбатлантирилади ва мустақил фикрлаш талаб қилинади. Бунда ўқитувчи билим берувчи ва баҳоловчи сифатида эмас, балки фасилитатор (инглизча *facilitate* сўзидан олинган бўлиб, бирор-бир жараённинг боришига яхши таъсир этувчи ва унга мос шарт-шароитлар яратиб берувчи) сифатида намоён бўлади. Талабадан фан бўйича мустақил ўрганган билимларини аудиторияда турли ҳил интерактив услублар орқали намоёниш қила олиши ва бошқаларга ўргата олиши талаб этилади.

ТАЛАБА МУСТАҚИЛ ИШИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Талаба мустақил ишининг асосий мақсади – ўқитувчининг раҳбарлиги ва назорат остида талабада муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда уларни аудитория машғулотида берилган назарий ва амалий билимлардан амалда фойдаланишга ўргатишдир.

Талаба мустақил ишининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- дарс пайтида ўтилган мавзулар бўйича билимларни қайта ишлаш ва мустаҳкамлаш;
- билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш;
- тушуниш ва фикрлаш қобилиятини ривожлантириш;
- янги билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;

- керакли маълумотларни излаб топишнинг қулай усуллари ва воситаларини аниқлаш;
- ахборот манбалари ва воситаларидан самарали фойдаланиш;
- электрон ўқув адабиётлари ва маълумотлар банки билан ишлаш;
- топшириқларни бажаришга тизимли ва ижодий ёндошиш;
- ишлаб чиқилган ечим, лойиҳа ёки ғояни асослаш.
- ўз фикр ва мулоҳазаларини лингвистик курс мавзуларидан келиб чиқиб, ёзма ва оғзаки равишда тўғри грамматик нормаларни ишлатган ҳолда аниқ ва мантикий баён этиш;
- янги ахборотни тез ва қулай усулда қабул қилиш ва ёдда сақлаш стратегияларига эга бўлиш;

ТАЛАБА МУСТАҚИЛ ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Талаба томонидан бажарилган мустақил ишининг титул варағида университет, факультет, кафедра, берилган мавзу, талаба гуруҳи ва Ф.И.Ш., ўқитувчи Ф.И.Ш., мустақил иш топширилган саналари кўрсатилиши керак (1-илова).

Мустақил ишлар мавзулари ва топшириқ ҳамда услубий кўрсатмалар «Мустақил иш» тахтасида ёритилган бўлади. Унинг электрон вариантлари кафедра кабинет мудирида сақланади.

Фан ўқитувчиси дарс пайтида ёки дарсдан кейин мустақил ишни бажариш бўйича услубий кўрсатмалар беради (битта умумий масала ечиб кўрсатади). Талабалар томонидан мустақил ишларни топшириш муддатини белгилайди.

Талабалар белгиланган муддатда мустақил ишни бажарадилар, фан ўқитувчисига кўрсатиб, иш тўғри ва тўлиқ бажарилгач, ҳимоя қиладилар.

ТАЛАБА УЧУН ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МУСТАҚИЛ ИШЛАРНИНГ ШАКЛЛАРИ

“Тил аспекти амалиёти” фанидан биринчи босқич талабаларига мустақил иш учун бериладиган топшириқларнинг шакли ва ҳажми, қийинчилик даражаси семестрдан-семестрга кўникмалар ҳосил бўлишига мувофиқ равишда ўзгариб, ошиб боради. Яъни, талабаларнинг топшириқларни бажаришдаги мустақиллиги даражасини аста-секин ошириб, уларни топшириқларни бажаришга тизимли ва ижодий ёндашишга ўргатиб борилади.

“Тил аспекти амалиёти” фанидан биринчи босқич талабаларига ТМИни ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланиш мумкин:

Коммуникатив лексика модули:

1-қ а й д . Сўз бойлигини ошириш устида ишлаш дафтарини юритиш

Бу вазифани бажариш учун 100 сўздан кам бўлмаган таҳлилий параграф ёзишингиз ва унда қуйидаги масалаларни ёритиб беришингиз керак:

- Одатда инглиз тилидаги янги сўзларни ўрганишда қандай усуллардан фойдаланасиз?
- Мазкур мавзуга оид сўзларни ўрганишда сиз учун қайси усул энг мақбул ва самарали бўлди. Нима учун?
- Сўзларнинг маъноларини аниқлашда контекст сизга қанчалик ёрдам берди?

2-қайд. Мен ривожлантирган сўз бойлигини оширишга йўналтирилган стратегияларни таҳлилий сарҳисоби.

Бу вазифани бажариш учун қуйидаги масалалар бўйича 300 сўзлар атрофида таҳлилий сарҳисоб ёзинг. Семестр давомида ривожлантирган сўз бойлигини оширишга йўналтирилган стратегияларни таҳлилий сарҳисоб ёзинг. Унда қуйидаги масалаларга алоҳида урғу бериб ўтинг:

- Курс давомида сўзларни қандай ўрганганлигингиз ва қайси стратегияларни қўллаганингиз ҳақида ёзинг.
- Сиз самарали тарзда сўзларни ўргандим деб ҳисоблайсизми?
- Фикрларингизни асослаб бериш учун мисоллар келтиринг

Коммуникатив грамматика модули:

1 қайд. Хатолар устида ишлаш кундалиги

Мазкур вазифани бажариш учун сўзлашиш ва ёзув жараёнида сиз йўл қўядиган энг жиддий грамматик хатоларни ўз-ўзини баҳолаш жадвалидан

фойдаланган ҳолда аниқланг ва қуйидагиларни ёритган ҳолда таҳлилий параграф ёзинг:

- Сизнинг йўл қўйган хатоларингизнинг сабаби нимада?
- Ўз хатоларингиз устида қандай ишладингиз?
- Турли коммуникатив контекстларда грамматик структураларни ўринли қўллаш бўйича машқлар сизга қай даражада фойдали бўлди?
- 150 сўзлар атрофида матн ёзинг ва курс давомида ўзингиз тайёрлаган нутқ ёки ёзган матнларингиздан мисоллар келтирган ҳолда жавобларингизни асослаб беринг.

Ўз - ўзини баҳолаш

Вазифанинг спецификацияси: Талабалар ўз-ўзини баҳолаш жадвалидан фойдаланган ҳолда мунтазам равишда сўзлашиш ва ёзув жараёнида учрайдиган хатолари устида ишлашлари зарур. Ўқитувчингиздан тақриз олганингиздан сўнг ҳар бир вазифа турида қилган хатоларингизни ҳисоблаб чиқинг ва қуйида берилган

жадвалдаги мос устунга сонини ёзиб кўйинг. Сўнг хатога йўл кўйган гапингни 3-устунга ва тўғриланган гапингни 4-устунга ёзинг.

Ўз - ўзини баҳолаш жадвали

Хатолар тури	Ҳар бир топшириқдаги хатолар сони			Хатога йўл кўйилган гап намунаси	Тўғриланган гап
	1	2	3		
Феъл/замон шакли					
Нисбат/майл					
Эга-кесим мослашуви					
Артиклар/ аниқловчилар					
Отларнинг қўшимчалари: бирлик, кўплик ва эгалик қўшимчалари					
Сўз билан боғлиқ хатолар – сўз танлови, сўз шакли, расмий\норасмий тилда қўлланилиши					
Сўзнинг ёзилиши					
Бир сўзнинг бир неча бор такрорланиши					
Пунктуация					
Нокерак сўзларнинг					

ишлатилиши					
Сўз тартиби					
Фрагментлар					
Пунктуация белгилари ёки боғловчилари қўйилмаган ёки нотўғри қўйилган гаплар					

2-қайд. Нутқга ўзаро тақриз бериш

Маъмур вазифани бажариш учун қуйидагиларни бажаринг:

- Ўқитувчингиз томонидан берилган ўзаро тақриз бериш жадвали/шаклларидан бирини танланг
- Танланган жадвал/шакл бўйича дўстингизнинг 2 дақиқалик берилган мавзу бўйича мос келадиган грамматик структураларни ишлатган ҳолда, тавсия этилган мавзулар асосида тайёрланган нутқини баҳоланг
- Баҳолаш варақасини шерингизнинг тасмага ёки флешкага ёзиб олинган нутқи билан биргаликда топшинг

Тавсия қилинадиган мавзулар:

Агар миллионер бўлсам... (шарт
майли)

Мен танлаган касб (келаси замон)
Ўтган ҳафтада нималар қилдим (ўтган
замон)

Кўрсатмалар бериш (буйруқ майли)
Бирор бир фильм ёки жойни тавсия
қилиш (модал феъллар)

Менинг одатий куним (ҳозирги
замон)

3 қайд. Таҳлилий сарҳисоб

Қуйидаги саволларга жавоб ёзган
ҳолда 200–250 сўзлик таҳлилий сарҳисоб
ёзинг.

- Грамматика бўйича кучли ва кучсиз
томонларингиз
- Грамматикадан билимларингизни
яхшилашга ёрдам берган
стратегиялар қандай
- Қайси грамматика дарслигини
фойдали деб топдингиз ва нима
сабабдан бундай ҳисоблайсиз
- Келгусида грамматика устида
қандай ишламоқчисиз

ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Коммуникатив лексика модули:

Сўз бойлигини ошириш устида ишлаш дафтарини юритишни баҳолаш мезонлари:

- Вазифанинг қай даражада бажарилиши (сўзларнинг сони, ўринли ишлатилиши)
- Ўрганиш тажрибасини ва сўз бойлигини ошириш стратегияларининг қўлланилишини таҳлил қила олиш.
- Асослаб бериш
- Лексик/грамматик ва мазмунан боғланганлиги

“Мен ривожлантирган сўз бойлигини оширишга йўналтирилган стратегияларни таҳлилий сарҳисоби” нинг баҳолаш мезонлари

- Вазифанинг қай даражада бажарилиши (сўзларнинг сони, ўринли ишлатилиши)
- Ўрганиш тажрибасини ва сўз бойлигини ошириш

стратегияларининг қўлланилишини таҳлил қила олиш.

- Асослаб бериш

Коммуникатив грамматика модули:

Хатолар устида ишлаш кундалигини баҳолаш мезонлари

- Вазифанинг қай даражада бажарилганлиги
- Етарли мисоллар билан асослаб берилганлиги
- Ёзиш тажрибасини грамматик нуқтаи назардан таҳлил қила олиш

Нутқга ўзаро тақриз беришни баҳолаш мезонлари

- Грамматик жиҳатдан тўғрилиги
- Вазифанинг қай даражада бажарилганлиги (вақтида бажарилганлиги, маълум грамматик структураларнинг ишлатилганлиги)
- Шакл/форма ва мазмун ўртасидаги боғлиқликни тушуниб етганлиги

Таҳлилий сарҳисобни баҳолаш мезонлари

- Вазифанинг қай даражада бажарилганлиги
- Грамматик жиҳатдан тўғрилиги

- Ўз ўрганиш тажрибасини таҳлил қила олиши

ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШНИ БАҲОЛАШ
ТАРТИБИ

“Тил аспекти амалиёти” фанидан 1-босқич талабаларига мустақил иш натижалари амалдаги "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом"га асосан баҳолаб борилади.

Ўқув семестри якунида талабанинг мустақил иши бўйича тўплаган рейтинг баллари ҳар бир фан бўйича аудиториядаги ўқув ишларига берилган рейтинг баллари билан биргаликда гуруҳ журнали, гуруҳ қайдномаси, рейтинг дафтарчасида қайд этилади.

Гуруҳ бўйича қабул қилинган ишлар бир тўплам қилиб боғланади ва рўйхат билан биргаликда кабинет мудирига топширилади.

ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШИ БЎЙИЧА КОНСУЛТАЦИЯЛАР ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

Талабалар мустақил иши бўйича консультациялар аудиториядан ташқарида амалга оширишга мўлжалланган мустақил ишларни бажариш юзасидан тегишли йўлланмалар бериш ва уни бажарилишини назорат қилиб бориш мақсадида талабаларнинг дарсдан бўш вақтларида ташкил қилинади.

Талабалар мустақил иши бўйича консультация дарси фаннинг календар иш режаси асосида фан ўқитувчиси томонидан амалга оширилади.

Фан ўқитувчиси консультация дарсларида қуйидагиларни амалга оширади:

- ТМИ топшириқларини бажариш юзасидан тегишли йўлланма беради;
- топшириқни бажариш режасини тузишга ёрдамлашади;
- тегишли адабиётлар ва ахборот манбаларини тавсия қилади;
- ТМИ юзасидан тайёрланган топшириқларни баҳолайди.

ЎЗБЕКИСТАН СТАТΕ ΩΟΡΛΔ ΛΑΝΓΥΑΓΕΣ ΥΝΙΣΕΡΣΙΤΨ

ENGLISH FACULTY №2

ENGLISH APPLIED SCIENCIES DEPARTMENT

SELF STUDY

Theme

Student:_____

Teacher:_____

Date:_____

TASHKENT-2016

МУНДАРИЖА

Кириш	4
Талаба мустақил ишининг мақсад ва вазифалари	5
Талаба мустақил ишини ташкил этиш	6
Талаба учун тавсия этилаётган мустақил ишларнинг шакллари	7
Талабалар мустақил ишини баҳолаш мезонлари	11
Талабалар мустақил ишини баҳолаш тартиби	13
Талабалар мустақил иши бўйича консультациялар ташкил этиш тартиби	13